Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 25 январь ЧОРШАНБА
№ 7 (12.435)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz


ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## БЕПУЛ ДОРИ-ДАРМОН

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими Халқ демократик партияси билан ҳамкорликда Ангрен шаҳридаги болалар шифохонасида репродуктив саломатлик, камқонлик, йод танқислиги мавзуларида суҳбат ўтказди.**

Жамғарманинг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси шифокорлари Чирчиқда аёлларга санитар-гигиеник воситалар, дори-дармон, витаминлар, бир марталик шприцлар тарқатди. Шунингдек, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Гиёҳвандликни тўхтатайлик", "ОИВ инфекцияси тўғрисида биласизми?", "Тиббий-генетик маслаҳат" мавзуларидаги буклетлар тақдим этилди.

**Умида ФАЗЛИДДИНОВА.**

## ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ УСТУВОР ВАЗИФА

**Зангиота туманидаги 58-мактабда "Фарзанд тарбиясида отанинг ўрни" мавзусига бағишланган оталар мажлиси бўлиб ўтди. Унда туман ички ишлар бўлими ва академик лицей вакиллари, "Ифтихор" маҳалласи фаоллари иштирок этишди.**

Сўзга чиққанлар ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг келажакда етук касб эгаси бўлишлари, турли диний экстремистик оқимлар хуружи таъсиридан сақлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

**Саодат МУСЛИМОВА.**

## АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Зангиота туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ва бандликка кўмаклашувчи марказнинг хайрли ишидан аҳоли мамнун. 2011 йилнинг ўзида 494 фуқаро иш билан таъминланди. Уларнинг асосий қисми ёшлар ва хотин-қизлар бўлиб, тумандаги корхоналарда касаначилик қилмоқдалар.

**Мухлиса ЙЎЛЧИЕВА.**

## ЯНГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

**Ўзбекистон Жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмаси вилоят бўлимида "Адолат" социал-демократик партиясининг янги бошланғич ташкилоти тузилди. Унга Хумора Бўрибоева етакчи қилиб сайланди.**

– Бу тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали давом эттирилаётгани, фуқаролар ўртасида сиёсий партиямизга қизиқиш ортаётгани натижасидир, – дейди янги етакчи. – Мақсадимиз ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий ёрдамни кучайтиришдан иборат.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

БУГУННИНГ ГАПИ



# ТЕХНИКАЛАР ХИЗМАТГА ЮЗ ФОИЗ ТАЙЁР

**Туман машина-трактор парклари бошлиқларининг навбатдаги ўқув-семинари Ўрта Чирчиқ туманининг Қорасув қишлоғидаги марказий МТПда жойлашган "ЎртаЧирчиқагротехсервис" масъулияти чекланган жамиятида ўтказилди. Бу бежиз эмас, албатта. Масъулияти чекланган жамият фаолияти ҳар жиҳатдан оқилона йўлга қўйилган бўлиб, барча туман машина-трактор паркларига намуна қилиб кўрсатишга арзийди.**

49 ходимдан иборат жамоа мавжуд техника воситаларини ҳар йили барвақт таъмирдан чиқариб, бир-икки қайта кўздан кечириб, бўяб, махсус ажратилган тайёрлик чизиғига қўйишга одатланган.

Бу жамоа учун қиш фасли том маънода иш фасли. Аммо, шу кунларда бу ерда бўлсангиз ўзгача манзарани кўрасиз. Қиш энди ярмидан ўтди. Шунга қарамай, агросервисчилар мавжуд 30 та Кейс ҳамда Класс-Нью-холд русумли дон комбайни, 209 та чопиқ трактори ва шунча культиватор, 118 та сеялка, 1361 та борона, 10 та "Магнум" ҳайдов тракторини тўла таъмирлаб, созлаб, кўкламги дала ишлари мавсумига шай қилиб қўйдилар. Ўзаро шартнома тузилган 260 та фермер хўжаликларига айнан шу техникалар бутун мавсум давомида хизмат кўрсатади.

– Фақат қиш фасли эмас, балки бутун йил давомида ходимларимизни иш билан таъминлаб туриш мақсадида аҳоли учун автосервис хизматини ҳам йўлга қўйганмиз, – дейди жамият раиси Бахтиёр Умаров. – Умуман, маиший хизмат уйимиз аҳолининг кундалик зарур юмушларини бажариб беради.

Бундан ташқари ўзимизнинг товуқхонамиз бор. Унда 1500 тагача товуқ боқамиз. Шунингдек, қорамол ҳам парваришлаймиз. Ҳозир 13 бош молимиз бор. Шундан 6 боши соғин сигир. Етиштирилаётган тухум ва сут билан туманимиздаги болалар боғчаси ва шифохоналарни таъминлаб турамиз.

– Биз, таъмирчилар эмин-эркин ва унумли ишлашимиз учун ҳамма зарур шарт-шароитлар яратиб берилган, – дейди таъмирчи Абдумутал Ҳакимов. – Туманимиздаги касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган ўқувчилардан 75 нафари навбати билан келишиб, амалиёт машғулотлари ўтказишади ва бир йўла бизга ҳам ёрдам бериб, ишимизни енгиллаштириб кетишади.



**СУРАТЛАРДА:** Бахтиёр Умаров (чапдан иккинчи) ишчилар билан тайёр техникаларни яна бир бор назоратдан ўтказмоқда; тайёрлик чизиғига қўйилган техникалар.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

МУНОСАБАТ

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

**Жаҳон ҳамжамиятини ўз қаърига олган молия-иқтисодий танглик шароитида, Халқаро валюта жамғармаси мутахассисларининг фикрича, "Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди... Ўзбекистонда ўсиш суръатлари... Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир".**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳокамасига бағишланган мажлисидаги маърузасида жаҳон иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсири олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлаштириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар самараларини чуқур таҳлил қилиб, 2012 йилда мамлакат иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш йўлларини кўрсатиб берди.

Давлатимиз ғоят оғир ва мураккаб шароитларда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш йўлини устувор сифатида белгилаб олиб, фақат ўзига хос, пухта режа ва тадбирлар орқали муттасил ривожлантириб келмоқда. Натижада иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсаётир. Мустақиллик йилларида иш ҳақининг харид қобилияти 15, пенсияники – 9 карра ошди. Бу йил бюджетнинг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.

Биз иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўлидамиз. 2012-2016 йилларда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Улар орасида Ангрен иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ қурилмасини барпо этиш лойиҳаси ҳам бор.

Сўнгги йилларда вилоятимизда кўплаб шундай йирик ва ҳудудий лойиҳалар амалга оширилаётир. 2011 йилнинг ўн бир ойида ялпи ички маҳсулот 109,3 фоиз ўсишига эришилгани шу саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Шаҳар ва қишлоқларимизда барча дастурлар доирасида 142,9 миллиард сўм ва 46,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиб, 342 та ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Ҳудудий инвестиция дастури доирасидаги 80 та лойиҳага инвестиция жалб қилиш башорат кўрсаткичи 124 фоиз бажарилди. Ўн бир ой мобайнида 38 та корхонада 317,1 миллиард сўмлик модернизация ишлари амалга оширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор ривожланиб боряпти. Ҳозир вилоятимизда 42 минг 260 та шундай тузилма фаолият кўрсатмоқда. Бугун уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 58,7 фоизни ташкил этмоқда. Кичик бизнес корхоналари ўн бир ойда 602,6 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ва хизматлар экспортини амалга оширди.

Иқтисодиётнинг ўсиши, аҳоли даромадларининг ортиб бориши маҳаллий бюджет тушумлари кўпайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Вилоят маҳаллий бюджети даромадлар бўйича муваффақиятли бажарилаётгани натижасида харажатларни молиялаштириш салмоғи ортиб бораётир. Чунончи, 2010 йили бу кўрсаткич 625,9, 2011 йили 774,1 миллиард сўмга етди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сўнгги сессияси 2012 йилги вилоят маҳаллий бюджетининг харажатларини 969,9 миллиард сўм миқдорида тасдиқлади. Унинг 89,6 фоизини ижтимоий соҳа тармоқлари ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига йўналтириш белгилаб қўйилди.

Кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари асосли равишда таъкидлаганидек, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири ҳамон бўй кўрсатиб турган бир пайтда биз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан барқарор бораяпмиз. Бу бозор муносабатига ўтишнинг "Ўзбек модели" истиқболли эканига яна бир ишончли далилдир. Бу олисни кўзлаб, оқилона қарорлар қабул қилиш ва уларни оғишмай амалга ошириш самарасидир.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## ИСТИҚЛОЛ ҚАНОТЛАРИДА ЙИГИРМА ЙИЛ

**Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси ташкил топганлигининг 20 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

Тадбирда сўзга чиққан соҳа мутахассислари тизимда малакали кадрлар тайёрлаш базаси ҳамда қулай тариф ва чегирмалар тизими яратилганлигини, шунингдек UzAirPLus дастури, сифат менежменти тизими, эшелонлашнинг қисқартирилган минимуми жорий этилиб, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатишнинг деярли барча турлари ўзлаштирилганини алоҳида таъкидлашди.

Анжуманда ўтган йиллар давомида тизимда амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар борасидаги журналистларнинг саволларига соҳа мутахассислари томонидан атрофлича жавоб берилди.

**"Туркистон-пресс".**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

**Бўстонлиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистонда оила институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: амалиёт ва қонунчилик" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

# АМАЛИЁТ ВА ҚОНУНЧИЛИК ҲАҚИДА ФИКРЛАШИЛДИ

Депутатлар, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир" маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақиллик йилларида ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини бўлган оиланинг маънавий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оилалар қарор топиши учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Конституциямизга оила боби киритилгани, "Оила кодекси" қабул қилингани ҳам оила манфаатларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи – маҳалла тизимининг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозимлиги аълоҳида таъкидланди.

**Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ИНСОНПАРВАРЛИК АКЦИЯСИ

**Мамлакатимизда меҳр-шафқат, инсонпарварлик, адашганларни тўғри йўлга солиб юбориш тамойиллари барқарор тус олиб бораётир. Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин далили бўлди.**



Вилоят ҳокимлигида шу қарор ижросини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳи раҳбари, Сенат аъзоси Х. Каримов бошқарди. Амнистия асосида жазодан озод этилган шахсларнинг тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларни эса ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштирилиши, вояга етмаганларни ота-оналар ҳамда васийлик ва ҳомийлик идоралари назоратига топширилиши, тиббий, моддий ва маънавий ёрдам, тарбиявий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ масалалар теварагида фикрлашиб олинди. Ишчи гуруҳи аъзоларининг амалий иш йўналишлари белгиланди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**


2012 йил учун



ОБУНА давом этмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТОМОРҚА – ТУГАНМАС ХАЗИНА

# ҲАЛОЛ ДАРОМАД МАНБАИ

**Шахсий томорқа ерлари кишиларга илк марта мулкдорлик ҳиссини туйиш имконини беради. Қолаверса, у шахсий эҳтиёжни қондирувчи ҳалол даромад манбаи ҳамдир. Шунинг учун бугун томорқалардан оқилона ва баракали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Айни шу қиш кунлари баъзи қишлоқ хонадонларига ташриф буюрсангиз, кўклам нафасини туясиз. Ташқарида қиш, иссиқхона ва томорқаларда эса экинлар гуллаб-яшнамоқда. Карам, помидор, бодринглар барқ уриб, ошкўклар ифор таратиб турибди.**

**– Чиноз шаҳарчаси Навоий маҳалласида истиқомат қилаётган Толибжон Ҳасанов ҳовлисида бир ярим сотих майдонда муқобил ёқилғи билан иситиладиган иссиқхона ташкил этиб, 11 йилдан буён лимон, редиска, кўкпиёз, шивит, кашнич ва турфа гуллар етиштирмоқда. Турмуш ўртоғи Вазира ая билан биргаликда лимон дарахтларини парваришлаб, анча-мунча даромад олишмоқда.**



– Мана шу лимон кўчатлари беш йил деганда ҳосилга кирди, – дейди томорқачи. – Сизга айтсам, лимон дарахти жуда нозик. Чангни хушламайди, шунинг учун барглари ҳафтада бир марта эҳтиётлаб ювиб турилади. Шундагина ўзингиз хоҳлаган ҳосилни оласиз. Одамлар бу меҳнатни эшитиб, лимон етиштиришга юраклари дов бермайди. Аммо даромади ҳам шунга яраша. Иссиқхонамизда 17 туп лимон бор, уларнинг ҳар бири камида 150 килограмм ҳосил беради. Буёғини ўзингиз ўйлаб кўраверинг. Лимоннинг меваси билан барги ҳам жуда шифобахш. Пўстлоғининг ўзиёқ кўплаб дардмандларнинг дардига шифо бўлганига гувоҳман. Шунинг учун қишин-ёзин қўни-қўшнилар сўраганда бериш учун лимондан мураббо тайёрлаб қўйганмиз. Меҳнат қилсанг роҳат кўрасан, деб бежиз айтишмаган. Шу томорқанинг ўзидан фарзандларимни уйли-жойли қилдим, ҳаётимдан нолимайман.

– Толибжон ота ҳар йили дастлабки ҳосилни маҳалла аҳлига ва яқин атрофларидаги бева-бечораларга тарқатиб, қолганини бозорга олиб чиқиб сотадилар, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Алимуҳаммедова.

Изланиб, имконият топиб, томорқасини экинзорга айлантираётган, турмуши маъмур бўлишига ҳаракат қилаётган Толибжон Ҳасанов каби миришкорларни кўриб, томорқа ери том маънода туганмас хазина эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

**Равшан ОМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

ҚОНУН ВА ИЖРО

# ҲАР БИР ЎСМИР – ЭЪТИБОРДА

**Зангиота туман прокуратураси ходимлари рейд текшируви жараёнида Қизғалдоқ қишлоғининг М. Фозилов кўчасидаги интернет кафеда нохуш ҳолат устидан чиқишди. Вояга етмаган Т. Эргашев, Н. Восиқов, Ш. Тоштемиров ва А. Эргашев тун пайтида назоратсиз қолдирилган. Дарҳол, кўнгилочар маскан соҳиби Д. Зоҳидовга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 188-моддаси 2-банди талабларига асосан улар туман судига юборилди. Суд бу ишни кўриб чиқиб, Д. Зоҳидовдан жарима ундириш ҳақида қарор қабул қилди.**

Прокуратура идоралари вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Сўнгги бир йилда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан 322 та текшириш ўтказилди. Бу жараёнда аниқланган қонун бузилишларни бартараф қилиш мақсадида тегишли идораларга тақдимномалар киритилди, ноқонуний ҳужжатлар протест киритиш йўли билан қонунга мувофиқлаштирилди, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, қонун олдида айбдор шахсларнинг жавобгарлиги таъминланди.

Шунингдек вояга етмаганлар ва давлат манфаатларига етказилган 156 миллион 251 минг сўмлик зарарлар ихтиёрий ундирилди, 26 миллион 494 минг сўмни ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида қаровсизлик ва назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ОИТС, терроризм, диний экстремизм каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ўтказилди. Вилоят прокуратураси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, "Камолот" ЁИҲ, ИИБ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган қўшма дастурда белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Чунончи, вилоят, туман ва шаҳар прокуратуралари ходимлари вояга етмаганларнинг яшаш, ишлаш ва ўқиш жойларида учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказишди. Ўқувчилар ва талабалар вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар билан атрофлича таништириляпти. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол бўлиб етишишларини таъминлаш вазифаларига бағишланган тадбирлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Олиб борилган мақсадли тадбирлар натижасида вилоятда вояга етмаганлар содир этган жиноятлар ва унда иштирок этган вояга етмаганлар 2011 йилда олдинги йилга нисбатан камайишига эришилди. Хусусан, бу жараён касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида барқарор тус олди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг таълим муассасаларида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини кучайтиришга оид топшириғига асосан прокуратура идоралари таълим муассасаларида қонунларга риоя қилинишининг аҳволини мунтазам ўрганиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида туман ва шаҳар прокуратуралари таълим-тарбия беришда давлат таълим стандартларига риоя қилиниши, ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши, машғулотлар сифати ва самарадорлиги юзасидан текширишлар ўтказишяпти, қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўлланмоқда. Битирувчиларнинг бандлигини таъминлашни янада жадаллаштириш устидан тегишли назорат ўрнатилди. Ишга жойлаштирилган битирувчилар ҳақида тақдим қилинган ҳисоботларнинг тўғрилиги текширилаётир.

Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонунининг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида прокуратура ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мақсадли амалга оширилаётир. Маънавият-тарғибот марказлари, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида вояга етмаганлар ўртасида 1408 та маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Улардан 479 таси давлат сиёсатининг устувор йўналишларига, 280 таси миллий урф-одатларнинг ҳаётдаги ўрнига, 299 таси тарихий хотира, миллий ғурур ва комил инсон тарбияси, 350 таси вояга етмаганлар диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мавзуларига бағишланди.

Вилоят прокуратураси, ички ишлар ва бошқа мутасадди идоралар томонидан диний ақидапарастликка мойил оилаларни аниқлаш, уларни профилактик рўйхатга олиш, вояга етмаганларга салбий таъсирининг олдини олиш, экстремистик оқим аъзоси сифатида ҳисобга олинган шахслар тарбиясидаги вояга етмаганларни аниқлаш, бундай оилаларнинг ижтимоий ҳимояси, иш билан бандлиги, таълим-тарбияси, соғломлаштирилиши, шунингдек, уларни ноқонуний диний оқимларга мойиллигини ўрганиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, сўнгги йилларда вояга етмаганлар орасида диний экстремистик оқимларга мойиллиги бор шахслар аниқланмади ҳамда вояга етмаганлар томонидан диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилмади.

**Б. ФОРИҚОВ,**
**вилоят прокурори ёрдамчиси.**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ НИЯТЛАРИМГА ЭРИШДИМ

**Ҳаётда оиласидан нажот, ҳузур-ҳаловат топадиган, уни тирикликнинг бош омили дея, кўзига тўтиё қиладиган инсонлар кўп. Билъакс, оиласи нотинч, беҳаловат кишиларнинг ҳар бир куни ғурбат, ҳар дақиқаси жаҳолатдан иборат. Халқимизнинг Оила аталмиш хилқатни эъзозлаб, ардоқлаши шундан. Уни тилсимотлар эшиги, эзгуликлар бешиги дея муқаддас никоҳдан бошлашларида ҳам бир ҳикмат бор.**



Бекободлик фермер Мирзараҳмат Мирзаев ҳаётда эришган барча яхшиликлар оила аталмиш тилсимот туфайли эканлигини чуқур ҳаяжон, қониқиш билан сўзлайди. Олти фарзанд, 9 невара Мирзараҳмат ва Гулрўй қурган мустаҳкам оила қўрғонида униб ўсишди, вояга етишди.

– Ўзим асл деҳқон фарзандиман, – дейди Мирзараҳмат ота ғурур билан. – Ишни механизаторликдан бошлаганман. Гулрўй кенནойингиз билан умргузаронлик қилаётганимизга ҳам салкам 40 йил бўлди. Эҳ-ҳе, нимасини айтасиз? Шу десангиз, деҳқоннинг "косаси оқармайдиган" йиллар эди ўшанда. "Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер" қиладиган ҳам хотин" дейишганлари бор гап. Топган-тутганимга барака киритиб, йўқдан бор қилиб ўтирган Гулрўйининг, ниҳоят бағрига шамол, елкасига офтоб тегди. Мустақиллик туфайли ўз еримиз, ўз донимиз, ўз нонимизга эга бўлдик. "Ҳақиқат кучи" фермер хўжалигимизни ташкил этдик. Фарзандларимдан Абдураҳим, Абдурасул менинг изимдан бориб, механизаторликни танлаганлари мени қувонтиради. Улар энди қўл-қанотларим. Лекин, бошқа ўғилларим ҳам улар каби эл хизматида. Абдураҳмон тиббиёт ходими, қизларим Гулбаҳор, Гулчеҳра ва кенжа ўғлим Абдуғаффор ўқитувчи. Улар деҳқончиликнинг нонини еб катта бўлишди. Яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан фойдаланиб, туманнинг энг илғор фермер хўжаликларидан бирига айландик. Ҳозир 82,4 гектар еримиз бор. 30 кишидан иборат ёш, навқирон ишчилар бир оила фарзандларидек меҳнат қилишмоқда. 40 гектари ғалла, қолгани пахта майдони. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эришган ютуқларимиз айтишга арзигулик. БТ-150 русумли янги тракторни кредитга олдик. Ўтган йилги даромадимизни эҳтиёт қисмлар, ҳомийлик ёрдамлари учун сарфладик. Етиштирган "Ан-Боёвут" элита пахтамиз уруғлик учун топширилди. Ўйлаб қарасам ҳар бир аъзо гўё фарзандим, жигаримдек бўлиб қолган. Ҳар бир ишни кенгашиб, бамаслаҳат қиламиз. Шунинг учунми, ўғил-қизларим ҳам "Ҳақиқат кучи"нинг ҳар бир ютуғидан қувониб, ташвишларига шерик бўлишади. Аҳил оила, аҳил жамоанинг ишлари шунинг учун ҳам чакки бўлмади. Пахта ҳосилдорлиги 41 центнер, йиллик режа 156 фоизга адо этилиб, туманнинг энг пешқадам фермер хўжалигига айландик. Мустаҳкам оила йилида бу каби ютуқларимиз янада салмоқли бўлишига ишонамиз.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

**СУРАТДА:** Мирзараҳим ота набираси билан.

ТАНЛОВ

# ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

**Бекобод шаҳрининг "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 34-милиция таянч пункти "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида биринчи ўринни эгаллади.**

Аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида вилоятда 314 милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда профилактика хизматига алоҳида эътибор берилаётгани натижасида милиция таянч пунктларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда. Профилактика инспекторларининг маҳаллий бошқарув органлари, жамоатчилик билан алоқалари тобора мустаҳкамланаётир.

Шаҳардаги йирик аҳоли пунктларидан бўлган "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида иккита мактаб, битта мактабгача таълим муассасаси, 20 дан ортиқ корхона ва ташкилот, 30 дан зиёд савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади. Бу ерда ташкил этилган 25 дан зиёд фермер хўжалиги эса аҳолини иш билан таъминлаш, хонадонлар фаровонлигини ошириш, қишлоқни янада обод этиш ишларига катта ҳисса қўшмоқда.

– Ҳудудимизда тўрт минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, – дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматилла Олимов. – Ёшларни иш билан таъминлаш масаласи доимий эътиборимизда. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликларига, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли мебель, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тикувчилик корхоналарига ишга жойлаштирилмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт секциялари, турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини идораси биносида жойлашган милиция таянч пунктида профилактика ишларини янада кучайтириш учун барча шароит яратилган. Профилактика катта инспектори, капитан Ўрозали Фозилов кўп йиллардан буён шу соҳада меҳнат қилади. Унинг маҳалла оқсоқоли ва фаоллари билан ҳамжиҳатликда олиб бораётган ишлари натижасида ўтган йили ушбу ҳудудда ҳуқуқбузарликлар кескин камайишига эришилди.

**ЎзА.**

# НОМИ БОР-У, ЎЗИ ЙЎҚ

## ва бошқа сохтакорликлар асосида ортиқ давлат ва жамоат мулки суд

**"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2011 йил 4 декабрь сонида эълон қилинган "Сирли чархпалак айланишда давом этмоқда" сарлавҳали мақолани қайта-қайта ўқиб чиқдим, – деб ёзади Бўстонлиқдан газетхон Алижон Аҳмедов. – Туманимиздаги айрим мансабдорларнинг ноқонуний ишлари, вилоят хўжалик суди, туман ҳокимлигининг ҳуқуқий хизмати теварагида ўралашиб юргувчи Жўра Ашуровнинг номаъқул хатти-ҳаракатлари фактлар асосида ёритилган".**

**У ўз мактубига қўшиб, Тошкент ихтисослашган наслли пиллачилик ширкат хўжалигини тугатиш ва унинг замирида фермер хўжаликлари ташкил этиш жараёнларида содир этилган баъзи ноқонуний ишларга доир бир даста ҳужжатларни юборипти. Қуйида ушбу ҳужжатларни ўрганиш асосида ёзилган мақолани эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2008 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида жамоа хўжаликлари замирида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Шу жараёнда, 2006 йил ноябрь ойида Тошкент ихтисослашган наслли пиллачилик ширкат хўжалигини тугатиш ва унинг негизида фермер хўжаликларини тузиш комиссияси ташкил этилди. Бўстонлиқ туман молия бўлимининг мудири вазифасида ишлаб келаётган Фурқат Ўринбоев бу комиссиянинг раислигига сайланди. Туман ҳокимининг 2006 йил 20 ноябрдаги 742-қарори билан мазкур комиссия низоми ҳам тасдиқланди.

Комиссия иш бошлаган кунлардаёқ ширкат хўжалигини тугатиш жараёнининг дастлабки босқичларида айрим ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги, жамоа мулкини талон-торож қилиш бошланганлиги маълум бўлиб қолди. Тегишли ҳужжатлар тахлами бу ишлар тепасида "Ҳимоя" адвокатлик бюроси раҳбари, гоҳида ўриндошлик асосида туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси вазифасига жалб қилинувчи Жўра Ашуров турганлигини тасдиқларди.

Унинг мазкур ширкат хўжалиги билан боғлиқ қинғир ишлари 2004 йил 1 январь (?) куни ширкат хўжалиги билан юридик хизмат кўрсатиш хусусида шартнома тузишдан бошланган. Кўп ҳам вақт ўтмай, гўё бажарилган ишларни топшириш бўйича ширкат хўжалигининг собиқ раҳбари Зокир Ҳакимов билан Жўра Ашуров ўрталарида келишув битими тузилган. Унга ҳуқуқшунос Жўра Ашуров ширкат хўжалигига қандай ҳуқуқий хизмат кўрсатганини тасдиқловчи биронта ҳужжат илова қилинмаган. Ушбу битим асосида гўё вилоят хўжалик судида 2006 йил 14 апрелда ширкат хўжалигидан Жўра Ашуров фойдасига 18 миллион 300 минг сўм ундириш тўғрисида қабул қилинган 11-0619/2327-сонли ҳал қилув қарорини ижро этиш учун судья Зарифа Қурбонова 2006 йил 15 май куни ширкат хўжалигидан "Ҳимоя" адвокатлик бюроси фойдасига 12 миллион сўм асосий қарз, 6,1 миллион сўм пеня ва 5 минг 100 сўм почта харажатларини ундириш ҳақидаги ижро варақасини расмийлаштириб берган. Шунга асосланиб, вилоят хўжалик судининг судьяси Р. Ражабов 2007 йил 6 февралда келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқарган. Унга кўра, ширкат хўжалиги собиқ раҳбари Зокир Ҳакимов икки қаватли ётоқхона биносини 0,17 гектар ер майдони билан техник экспертиза хулосасисиз, бозор нархи белгиланмаган ҳолда 4,8 миллион сўм (?) миқдоридаги баланс нархи билан бериб юборди. Ўша кезлари шу ётоқхонада яшаб турган учта ногиронлар оиласи суд ижрочилари томонидан кўчага ҳайдаб чиқарилди. Ҳуқуқшунос Жўра Ашуров бу бинони қисқа фурсатда бошқа шахсларга амалдаги бозор баҳосида пуллади.

Бу билан қаноатланмай, ҳуқуқшунос туман суд ижрочилари бўлимига мурожаат қилиб, махсус комиссия тасарруфидаги мол-мулкдан гўё вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини бажариш бўйича 18,3 миллион сўм миқдоридаги қарзнинг қолган қисмини ундириб беришни сўрайди. Ширкат хўжалигига тегишли автогараж, темирбетон қўралар хатланиб, "Ҳимоя" адвокатлик бюроси раҳбари Ж. Ашуровга топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Бу ҳужжатни ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Гулнора Машкалова, бош ҳосилот Бахтиёр Бозорқулов ва бошқалар имзолашади. 2008 йил 7 ноябрь куни суд ижрочиси З. Жумаев автогараж ва бошқа иншоотлар қайта баҳоланиб, сотувга қўйилишини, ортиқча маблағ қайтариб берилишини айтиб, махсус тугатиш комиссияси раиси Фурқат Ўринбоевга ҳам шу далолатномани имзолатиб олади.

Бу хатти-ҳаракатлардан шубҳаланиб, Фурқат Ўринбоев судья Зарифа Қурбонова имзолаган 11-0619/2327-сонли ҳал қилув қарори, судья Р. Ражабов имзолаган 11-0619/2327-сонли ажримдан нусха беришни сўраб, вилоят хўжалик судига мурожаат қилди. Суд идорасида бу ҳужжатлар вилоят давлат архивига юборилган, деб айтишди. У мўътабар идорадагилар эса, унга суднинг бу ҳал қилув қарори архивга келиб тушмаганлигини маълум қилишди. Шундан кейин вилоят хўжалик суди бу ҳужжат Бўстонлиқ туман прокуратурасига юборилганлигини баҳона қилди.

Қизиқ, вилоят хўжалик судида йўқ, архивда йўқ ҳал қилув қарори прокуратурада сақланадими? Туман прокуратураси эса, Бош прокуратурага ёзилган аризага 19 ойдан бери жавоб бермаяпти, қонуний чора кўришни пайсалга солиб келаяпти. Мазкур ҳал қилув қарорининг номи бор-у, ўзи йўқлиги эса, юқоридаги сансалорликдан ташқари, адвокат сўровига юборилган расмий маълумотнома билан ҳам тасдиқланади.

Жўра Ашуровнинг ғайриқонуний ишлари ширкат хўжалиги мол-мулкини хусусийлаштириш учун кимошди савдосини ташкил этиш жараёнида ҳам давом этди. Чунончи, кимошди савдосида бошқа талабгорлар иштирок этишига имкон берилмади.

"Аҳмаджон-Шерзод-Малика" фермер хўжалиги раҳбари Исроил Аҳмедовнинг 2011 йил 1 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг мажлисида берган гувоҳлигидан: "Бизнинг хўжалигимиз юқори сифатли гиламлар ҳам ишлаб чиқаради. Пиллани сотиб олиб, Марғилонда калавалатиб келамиз. Товоқсойдаги пилла ишлаб чиқариш тармоқлари кимошди савдосига қўйилаётганини эшитиб, унда қатнашишга жазм қилдик. Кимошди савдоси юзасидан ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси, тугатиш комиссияси аъзоси Гулнора Машкаловага учрашдим. У киши: "Бу масалани Бўстонлиқ туман ҳокимияти ҳуқуқшуноси Ашуров Жўра ҳал қилади" деб, мени "Ҳимоя" адвокатлик фирмаси раҳбари ҳузурига бошлаб борди. "Тошкентдан келган пулдорлар жуда катта пул тикаяпти, – деди Ашуров. – Агар аукционда қатнашмоқчи бўлсангиз, ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштириб бераман. "Иш ҳақим" 100 минг АҚШ доллари бўлади". Бу гапдан кейин кимошди савдосида қатнашишдан воз кечдик".

Шу тариқа кимошди савдосида яккаю ягона талабгор "GLOBE STAR BIZNES" масъулияти чекланган жамияти ғолиб деб топилди. У мол-мулк учун ҳали ҳақ тўламаганига қарамай, "Ҳимоя" адвокатлик бюроси раҳбари туман ер ресурслари ва кадастр хизмати бўлимида юридик хизмат кўрсатаётганидан фойдаланиб, бу мулкни кадастр гувоҳномалари билан бирга расмийлаштириб, туман ҳокимлигида давлат рўйхатидан ҳам ўтказиб берди. Шундан кейин тугатиш комиссияси раиси бу қонунбузилишни бартараф этиш мақсадида вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "GLOBE STAR BIZNES"нинг 2006 йил 20 февралдаги 51-сонли ғолиблик баённомаси, 2007 йил 20 февралдаги 39-сонли олди-сотди шартномаси, Бўстонлиқ туман ҳокимининг 2007 йил 24 августдаги 714, 715-сонли қарорлари ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ТА № 0409184 ва ТА № 0409185-сонли гувоҳномаларни ҳақиқий эмас деб топишни сўради.

# «ЖОЗИБА» КИНО ВА ТЕАТР САЛМОҒИНИ ОШИРДИ

**Алишер Навоий номли киносаройда "Жозиба" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбектеатр" бирлашмаси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан ташкил этилган тақдимот маросимида таниқли кино ва театр усталари, режиссёрлар, сценарий муаллифлари, шоир ва ёзувчилар, ёш қаламкашлар иштирок этди.

Еш қаламкашларнинг пьеса ҳамда киносценарийлари "Жозиба" тўпламида жамланган. "Адиб" нашриёти томонидан чоп этилган тўплам адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев масъул муҳаррирлигида чоп этилди.

Мазкур тўпламда ўзбек кино ва театр соҳасидаги улкан ютуқлар, унинг бой анъаналарини янада ривожлантириш, кишилар тафаккури, маънавиятини юксалтириш, томошабинлар қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдиришга хизмат қилувчи дурдона асарлар жамланган. Ундан 5 та кино сценарий, 6 та театр асари ўрин олган.

**"Туркистон-пресс"**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# ЁШЛАР ТАДБИРКОР БЎЛИШНИ ИСТАСА

**Ёшларнинг ижодий қобилиятини юксалтириш, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор нуфузли танловлар ўтказилаётир. Бу ишларни янада такомиллаштиришда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг муҳим ўрни бор.**

Оҳангарон туманида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ўзлари ёқтирган касбга йўналтириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида бир қанча тўгараклар ташкил этилган бўлиб, уларда ёшлар турли йўналишлар бўйича билим олиб, касб-ҳунар сирларини эгалламоқда. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ҳамда республика Президентининг "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун моддий ва маънавий кўмак берилмоқда.

– "Камолот" бир қатор форум ва лойиҳаларни изчил амалга оширмоқда, – дейди Оҳангарон тумани кенгаши раиси Лазизбек Ҳасанов. – Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун иш ўринлари яратиш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Бундан ташқари, 2008 йилдан буён "Микрокредитбанк" ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни имтиёзли микрокредит билан таъминлаш мақсадида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаси амалга оширилаяпти.

**Равшан РУСТАМОВ.**



# «ОҲАНГАРОН ҲАЁТИ»НИНГ НУРЛИ ЙЎЛЛАРИ

**Инсон ҳамиша ўз ҳаёти давомида кўрган-кечирганлари, амалга оширган хайрли амаллари-ю, истиқбол режалари сарҳисобини қилиб, таъбир жоиз бўлса, ўз фаолиятига ўзи баҳо бериб боради. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар йўлида тинмай изланади. Зеро, унинг самарасида асрларга татигулик ҳузур, ҳаловат бор. Инсон учун мана шундай ҳаловатни беминнат ҳадя эта оладиган соҳа вакиллари борки, уларни халқимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари дея шарафлайди. Улар тутган кўзгу – ҳаёт ойнасида гўё эл-юртга, Ватанига ҳисоб беради.**

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Бугун ўзбек матбуоти энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсонларимизнинг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасидаги холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда".

Куни кеча вилоятимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири, ғайрат-шижоати, меҳр-оқибати, юксак лаёқати билан оҳанграбодек ўз бағрига чорловчи Оҳангаронда туманнинг ўзига хос ҳаёт кўзгуси "Оҳангарон ҳаёти – Жизнь Ахангарана" газетаси кунлари бўлиб ўтди. Қарийб 80 йиллик умри давомида "Қурама ҳақиқати", "Оҳангарон ҳақиқати", "Олмалиқ ҳақиқати", "Оҳангарон" ва ниҳоят "Оҳангарон ҳаёти" бўлиб, оҳангаронликлар ҳаётига алоҳида мазмун, маъно бағишлаб келди. Воҳанинг иқтисодий салоҳиятини белгиловчи саноат корхоналари, бепоён кенгликлари, боғ-роғларига жон бағишлаб, файзбарака киритаётган меҳнаткашлар ҳаётини, маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ёритиб бораётган таҳририятда фаолият кўрсатган, кўрсатаётган ҳар бир ходим, журналист "Оҳангарон ҳаёти" солномасида ўз ўрнига, муносиб эътибор-ҳурматга сазовор. "Оҳангарон ҳаёти" кунларига йиғилган меҳмонлар Ўзбекистон ҳамда Тошкент вилояти журналистлари ижодий уюшмаси, ёзувчиларнинг республика ва вилоят уюшмалари, вилоят, туман ҳокимликлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари эътироф этганларидек, газета жамоаси мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги ҳаракатларни янада кучайтириш, мустақиллик неъматларини қадрлаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда замон билан ҳамнафаслик тамойилларини сақлаган ҳолда долзарб масалаларни мунтазам ёритиб бораверади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2012 йил 28 февраль соат 17.00 да очиқ тендер ўтказилади.**



**Битта пакет билан:**
**ВХ-546 й.т.** "Марказий шифохона – Академик лицейи"
**ВХ-547 й.т.** "Марказий шифохона – Даҳана маҳалласи
**ВХ-548 й.т.** "Ғазалкент АШБ – Хумсон қишлоғи" (Бештут орқали)
**ВХ-550 й.т.** "Ғазалкент АШБ – Саёҳат меҳмонхонаси бекати"
**2. Битта пакет билан:**
**ВХ-232** "Янгийўл АШБ – Беруний ф/у (Нурбой ота)" (Янгийўл АШБ томондан)
**ВХ-285** "Янгийўл шаҳар бозори – Бўзсув ф/у"
**ВХ-292** "Янгийўл АШБ – Ўқитувчилар олийгоҳи"
**3. ВХ-428 й.т.** "Қўқоновул маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
**4. ВХ-438 й.т.** "Балиқчи маҳалласи – Қўйлиқ АШБ"
**5. ВХ-575 й.т.** "Чиноз шаҳри – Тошкент АББ"
**6. ВХ-581** "Чиноз шаҳри – Янгиобод ф/у"
**7. ВХ-582 й.т.** "Чиноз шаҳри – С. Раҳимов ф/у"
**8. ВХ-515** "Чирчиқ АББ – Бўстон қўрғони"
**9. ШИ-3 й.т.** "ЭХП – 8-кичик ноҳия (шаҳар парки)" (Чирчиқ ш)
**10. ШИ-26** "Аранча маҳалласи – Ҳарбийлар шаҳарчаси" (Чирчиқ ш)
**11. ВХ-390** "Невич қишлоғи – Қўйлиқ АШБ" (Қўйлиқ томондан)
**12. ВХ-372** "Паркент АШБ – Заркент қишлоғи"
**13. ВХ-374** "Паркент АШБ – Сўқоқ қишлоғи"
**14. ВХ-283 й.т.** "Янгийўл шаҳар бозори – Қуштепа маҳалласи"
**15. ВХ-295 й.т.** "Янгийўл шаҳар бозори – Кескин қишлоғи"
**16. ВХ-392** "Пискент АШБ – Қўйлиқ АШБ (Туябўғиз орқали)"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2012 йил 23 февраль соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2012 йил 27 февраль соат 18.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

# ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

**Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳар қанча огоҳлантириш ва тушунтиришларига қарамай, об-ҳавонинг кескин совуб кетганини баҳона қилиб, кўпгина ҳудудларда иситиш печлари, қўлбола плиталар ва давлат стандартларига жавоб бермайдиган бошқа иситиш мосламаларидан ўзбошимчалик билан фойдаланмоқдалар.**

Масаланинг ачинарли жиҳати шуки, бундай қўлбола қурилма ва мосламалардан фойдаланаётган истеъмолчилар унинг мудҳиш оқибатларини тушунадилар. Тинчлик ва барқарорликка хавф соладиган бундай ўзбошимчаликларнинг олдини олишда, албатта, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, меҳнат қилаётган ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ўрни беқиёс. Улар доимо хавф-хатар билан юзма-юз келишади ва уни бартараф этишга ҳаракат қилишади. Аммо, у ёки бу корхона, ташкилот ва аҳолининг масъулиятсизлиги билан юз бериши мумкин бўлган талафотларни тўлиқ бартараф этиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир фуқаро доимо ҳушёр ва сергак турмоғи лозим. Шундагина юз бериши мумкин бўлган офатларнинг олди олинади.

**Жамолиддин МУҲАММАДЖОНОВ,**
**12-ҲЁХО инспектори.**


ООО "NEFT MAHSULOT SAVDO", зарегистрированное в Мирабадском районе г. Ташкента (ИНН 301691461) объявляет об уменьшении уставного фонда с 731 799 400 сум до 70 000 000 сум.

Претензии принимаются по тел.: 235-83-92.

Утерянный диплом 018307, выданный Ташкентским Государственным Техническим университетом им. А. Беруний в 1995 году на имя Вейкина Владимира Александровича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан 1997 йил 8 майдаги 771-сонли ҳоким қарори билан рўйхатга олинган (СТИР 202266628) "TOVO" хусусий фирмаси "TOVO" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилганлиги ҳамда статистика, гувоҳномаси, рўйхатга олиш далолатномаси, қарор йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧП "ELEKTRTARMOQQURILISHBUTLASH", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района за реестр. № 004899-11 от 27.10.2009г. (ИНН 301357155), адрес: ул. Чупон ота, дом 7, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ учредителя № 6 от 24.01.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 759-07-70.



**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖСХ-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, 1-тор Ракатбоши кўчасида жойлашган Д. Г. Бекмуҳамедовага тегишли, бошланғич нархи 450 385 100 сўм бўлган, умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли 15-уй-жой (ҳовли) биноси қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 10 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.


# ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

## ўзлаштирилган миллиард сўмликдан ҳукмларига кўра жойига қайтарилди

Суд бу даъво аризасини тўла қаноатлантирди, наслли пиллачилик ширкат хўжалиги мол-мулкининг олди-сотдиси билан боғлиқ барча ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш хусусида 2009 йил 6 майда ҳал қилув қарорини чиқарди.

Бундан аччиқланган "GSB" масъулияти чекланган жамияти раҳбари вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, тугатиш комиссияси ҳисобидан (!) жами 230 миллион 443 минг 950 сўм ундириб бериш юзасидан даъво аризаси киритди. Буни асослаш учун МЧЖ раҳбари Зумрад Сайфуллаева билан тугатиш комиссияси бош ҳисобчиси Гулнора Машкалова комиссия раиси Фурқат Ўринбоев номидан Машкалова имзо чекиб, тайёрлашган сохта ҳужжатларни тақдим этишди. Барча "ҳужжатлар"ни кадрлар бўлими муҳри билан тасдиқлашди.

Лекин 2009 йил 24 июль куни бу ишни кўриш чоғида ўз сохтакорликлари фош бўлиб қолишидан ваҳимага тушиб, даъвогарлар ўз даъволаридан воз кечганларини арз қилишди. Жавобгар томон бунга эътироз билдириб, ишни қонунан кўриб чиқиш ва иш ҳолатига қонуний баҳо беришни сўради. Шунга қарамай, суд даъво аризаси юзасидан иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарди.

Ҳуқуқшунос Жўра Ашуров ва унинг шериклари энди махсус тугатиш комиссияси фаолиятини тафтиш қилиш ҳаракатига тушишди. Ҳоким имзоси билан вилоят хўжалик судига гўё янги очилган ҳолатлар бўйича ариза киритишди. Туман прокуратураси терговчиси Хуршид Муҳаммадиев аудитор деб тавсия қилган Шомурод Жўраев ва Фарҳод Ашуров ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш бўйича махсус комиссия фаолиятини текширишга жалб қилинди. Бу уюшган гуруҳ махсус комиссия билан "GSB" масъулияти чекланган жамияти ўртасида олди-сотди бўйича гўё 250 миллион сўм миқдорида тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида 2009 йил 5 декабрь куни "Ишонч" аудиторлик ташкилоти номидан оралиқ далолатномасини расмийлаштирди. Шу ҳужжатга асосланиб, улар 2009 йил 6 майдаги 11-0921/3758-сонли қарорни бекор қилишни сўраб вилоят хўжалик судига мурожаат қилишди, тугатилаётган ширкат хўжалигининг махсус комиссия тасарруфидаги мол-мулкини "GSB" масъулияти чекланган жамияти мулки деб эътироф этишни сўрашди.

Бундай бедодликка чек қўйиш учун махсус комиссия раиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мурожаат қилиб, "Ишонч" аудиторлик ташкилоти аудиторлари Х. Нурмуҳамедов, Ш. Жўраев ва Ф. Ашуровларнинг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо беришни сўради. Молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев билан "Ишонч" аудиторлик ташкилоти раҳбари А. Фармонов имзо чеккан жавоб хатларида "Ишонч" аудиторлик фирмаси томонидан махсус комиссия ва масъулияти чекланган жамиятда текшириш ўтказиш учун мутахассислар ажратилмаганлиги, Шомурод Жўраев билан Фарҳод Ашуров исмли шахслар умуман "Ишонч"да ишламасликларини маълум қилишди. Шу ҳужжат асосида 2010 йил 22 февраль куни вилоят хўжалик суди қўзғатилган даъво бўйича ишни кўришни рад этиб, ажрим чиқарди.

Афсуски, бу сохтакорликларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилмади. Аксинча, ширкат мол-мулки талонторож қилинишининг олдини олиш, қонунийликни қарор топшириш ҳаракатида бўлган бир жонкуяр раҳбар ёмонотлиқ қилиниб, унинг устидан жиноий иш очилди. Айблов хулосасига кўра, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 209-моддаси 1-қисми билан айбланган эди. Бироқ, суд мажлислари жараёнида унинг 167-модда (талон-торож) бўйича айби ўз исботини топмай, ҳукмда бу айб 205-моддага (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) қайта малакаланди. Туман прокуратураси 2011 йил 12 декабрда туман ҳокимлигига йўллаган тақдимномасида жиноят ишлари бўйича туман судининг 2011 йил 1 ноябрдаги ҳукмига асосланиб, Фурқат Ўринбоевни Тошкент ихтисослашган наслли пиллачилик ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш бўйича махсус комиссия раҳбарлигида қолдириш ёки қолдирмаслик масаласини кўриб чиқишни сўради. Ҳолбуки, суд ҳукмида бундай гап йўқ эди. Суд унинг шикоятида кўрсатилган жиноятларнинг олдини олишни кўзлаган ҳолда оқилона ҳукм чиқарганди. Аксинча, жиноят ишлари бўйича туман судининг ҳукмида "Ҳимоя" адвокатлик бюроси раҳбари Жўра Ашуров ноқонуний йўллар билан эгаллаб олган ётоқхона ва гараж бинолари ҳамда "GLOBE STAR BIZNES" масъулияти чекланган жамият томонидан эгаллаб олинган ҳақиқий бозор баҳоси 994 миллион 602 минг 750 сўм қийматидаги мол-мулкни ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш бўйича махсус комиссияга қайтариш таъкидланган эди. Прокуратура эса, унга нисбатан ҳеч қандай муносабат билдиргани йўқ. Туман ҳокимлиги фармойишида тегишли қарорларни бажармаган деб кўрсатиб, Фурқат Ўринбоевни махсус комиссия раислигидан озод этишди. Давлат ва жамият манфаатини ҳимоя қилиб, жонбозлик кўрсатгани – талон-торож қилинган мулклар суд ҳукми билан жойига қайтарилишига эришгани учун "мукофот" бўлди бу!.. Комиссия раислигини... ширкат хўжалиги мол-мулкининг талон-торож қилиниши жараёнларида бевосита иштирок этган, сохта ҳужжатлар расмийлаштирилишига ва ўз хатти-ҳаракати билан кимошди савдоси ноқонуний асосда ташкил этилишига бош қўшган бош ҳисобчи Гулнора Машкаловага топшириш ҳақида ҳоким фармойиши қабул қилинди.

Ана энди ўзингиз холис туриб айтинг, ким ҳақу ким ноҳақ?

Ҳуқуқшуноснинг кирдикорлари шулар билан чекланмайди. У "Ғазалкент-Ойна" Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси ҳуқуқий бўлимида ишлаган кезлари ўғли Жамшид Жўраев раҳбар бўлган Бухоро савдо ваколатхонаси ва "Шарқ" ташкилотига қўшма корхонадан жами 27 миллион 537 минг 70 сўм қийматидаги ойнани олиб чиқиб кетган. Неча йилки, бу маблағни тўлаш ва контейнерларни корхонага қайтариб топширишни хаёлига ҳам келтирмайди.

– Аксинча, қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш тутиб, у асабимизга тегиш йўлига ўтиб олган, – дейди корхона касаба қўмитаси раиси Толиб Норматов. – Корхонамиз ходимлари ҳамда маъмурий идораларни турли асоссиз даъволари билан овораи-сарсон қилаяпти. Боз устига, баъзи тузуккина идоралар унинг ноғорасига ўйнаётгани ҳайрон қолдиради кишини.

Ниҳоят, яна бир далил. Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди 2012 йил 11 январь куни "Ғазалкент-Ойна" Ўзбекистон-Англия қўшма корхонасининг жавобгарлар – Бўстонлиқ туман ҳокимлиги ва "Ҳимоя" адвокатлик фирмаси раҳбари Жўра Ашуровларга нисбатан даъво аризасини кўриб чиқиб, уни қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Гап шундаки, ўз манфаати йўлида ҳар қандай чакки хатти-ҳаракатлардан тап тортмайдиган қаҳрамонимиз корхонада ҳуқуқшунос вазифасида ишлаб турганидан фойдаланиб, хизмат вазифасини суиистеъмол қилган ҳолда қўшма корхонага тегишли коттежнинг бир хонадонини ҳисоб-китоб қилмай, ноқонуний йўл билан эгаллаб олган эди. Бу хонадонга эгалик ҳуқуқини бериш ҳақида 1998 йил 20 май куни Бўстонлиқ туман ҳокимининг 227-сонли қарорини ҳам расмийлаштириб олганди. Суд ишни ҳужжатлар асосида кўриб чиқиб, Жўра Ашуровга Искандар шаҳарчаси, Фурқат кўчасидаги 49-коттежнинг 2-хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи қарорни ҳақиқий эмас деб топди ва бекор қилди. Коттежнинг 1998 йили 258 минг 212 сўм қийматида баҳоланган 2-хонадони унинг ҳақиқий эгаси – "Ғазалкент-Ойна" қўшма корхонасига қайтарилди.

Шу тариқа, қонун устуворлиги учун қадамба-қадам курашаётган судьялар ҳақиқатни чидам билан ойдинлаштирмоқдалар, ҳаққоний қарорлар қабул қилиб, давлат ва халқ манфаатларини изчил ҳимоя қилмоқдалар. Бироқ, афсуски, юқоридаги қинғир ишлари орқали бир миллиард сўмликдан ортиқ давлат ва жамоат мулки талон-торож қилиниши учун "жон куйдириб" ҳаракат қилаётган мақоламиз қаҳрамони ҳамон ҳуқуқшунос деган мўътабар номни кўтариб юрибди...

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**


Учтепа ТСРЎИ томонидан 29.12.2011 йилда рўйхатга олинган "ABDUMUSLIM TRUBA SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг номи "PROFILE GLOBAL TRADE" масъулияти чекланган жамиятга ўзгарганлигини маълум қилади.

ООО "POYTANT BOTTLERS", зарегистрированное ИРСП Учтепинского района г. Ташкента (ОКПО 23279818, ИНН 301592972) реорганизуется путем присоединения к ООО "GERFED-IMPEKS" (ОКПО 19594976, ИНН 205102060).

Правопреемником ООО "POYTANT BOTTLERS" по всем правам и обязательствам является ООО "GERFED-IMPEKS".

Утерянную гувохному № 1568, выданную Министерством юстиции РУз за реестр № 110 от 25 мая 2009г. на ООО "FAROVON ULGURJI SAVDO INVEST"

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

ООО "ZOKIROV KOMRONBEK", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г. Ташкента (ИНН 301831183), расположенное по адресу: Сергелийский район, ул. Чоштепа, д. 31, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются по тел.: 738-40-77 в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 24 январда 0514091 реестр рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Захиров Салимжон Самукович (ИНН 468824905) номига берилган бир дона думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "MARKA PROM" Сергелийского района (ИНН 301976636) самоликвидируеься на основании протокола № 1 от 16.01.2012г.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 257-82-38.

ООО "AKROM OMAD NET", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Шароф, 1-А, (ИНН 301944106, ОКПО 23685288), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 24.01.2012 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 328-56-50.

Олмалиқ тиббиёт билим юрти томонидан 2002 йил 4 июлда Журабекова Хуршида Фарходовна номига берилган Т № 001038 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси бошқарманинг етакчи мутахассиси Дильнара Анваровна Махмудовага волидаи муҳтарамаси **ШОИРА АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# СПОРТИМИЗ МАЛИКАЛАРИ

**Олмалиқ шаҳридаги 3-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика, сузиш, сувга сакраш, стол тенниси тўгараклари шаҳар болаларининг севимли масканларига айланган.**

Бадиий гимнастикага 141 спортчи қиз қатнайди. Спортнинг бу тури бўйича ўтказилаётган барча мусобақаларнинг фаол иштирокчиси улар. Яқинда Қозоғистоннинг Атирау шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро мусобақада ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 2-ўринни эгаллашди. Шаҳноза Абдусодиқова, Беҳруза Темировани энди нафақат республикамиз, балки хорижлик гимнастикачилар ҳам яхши танишади.

Спортнинг камолот, нафосат, гўзаллик тимсоли – бадиий гимнастикага қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётгани бежиз эмас. Ўзбекистон ёшлари бундай имкониятлардан баҳраманд бўлишлари учун барча шарт-шароит етарли.

**Саида РАҲМОНОВА.**



**СУРАТДА:** халқаро мусобақа ғолиблари Шаҳноза Абдусодиқова, Беҳруза Темирова.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**КЎРГАЗМА**

# ЯГОНА ОИЛАДА

**Республика байналмилал маданият маркази ташкил топганлигининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси, республика Байналмилал маданият маркази, Тошкент фотосуратлар уйи, "Тасвирий ойина" республика ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий-маданият марказлари ҳамкорлигида Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида "Ватанимизнинг гуллаб яшнаши – кўпмиллатли халқ ютуғи" мавзусида тасвирий санъатнинг турли йўналиш ва жанрлари, ҳужжатли фотосуратлардан иборат кўргазма ташкил этилди.**

Экспозицияда турли миллат рассомларининг республикамиздаги қадимий шаҳарлар ва улардаги қадриятларимизни эслатувчи меъморий ёдгорликлар, табиат манзаралари, йил фасллари, машҳур маданият арбобларининг портретлари, турмуш тарзимизнинг турли қирралари акс этган экспонатлар жой олган. Кўргазмада, шунингдек, умумий уйимизнинг бир қисми бўлган Тошкент вилоятининг гўзал табиатини акс эттирувчи "Юсуфхона", "Чорвоқда тонг", "Сўқоқ. Баҳор", "Сўқоқда тонг" каби асарлар ҳам ўрин олган.

Кўргазмада ҳайкалтарошлик асарлари, турли миллатларнинг либослари ҳам намойишга қўйилган. Фотосуратларда миллий-маданий марказларнинг нафақат тили, урф-одатлари, шу билан бирга миллатлараро муносабатлар ривожига ҳисса қўшаётгани тасвирга туширилганини ҳам кўрамиз.

Кўргазманинг тантанали очилишида "Ўзбекистон – умумий уйимиз" IV республика дўстлик ва маданият фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди. Унда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида истиқомат қилувчи таниқли оқин, халқаро оқинлар айтишувининг бош совриндори Қулмахон Дуйсенов "Энг яхши овоз соҳиби" номинацияси бўйича республика Байналмилал маданият марказининг дипломи билан тақдирланди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

**НИГОҲ**

# ТОЖИКИСТОН ЗУЛМАТ ҚЎЙНИДА

**Бунга асосий сабаб мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр қувватини ҳукумат аҳолига бермай, четга сотаётганидир**

Охирги пайтда Тожикистон раҳбарияти мамлакатнинг энергетик қуввати ўзини таъминлашга етмаётгани масаласини кўтармоқда. Бунинг учун ОАВдан қурол сифатида фойдаланилмоқда. Шуниси равшанки, ушбу ахборот фақатгина халқ оммасига қаратилмаган. Бугун Тожикистон матбуотини шарҳлайдиган йирик минтақавий сайтлар ҳам ушбу ахборот урушининг иштирокчиси ва қурбонига айланмоқда. Яъни, ташқи ахборот бозорига нотўғри, нохолис ахборотнинг тарқалишини таъминламоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Нима учун Тожикистонга бундай шовқин-сурон керак бўлиб қолди?

Марказий Осиё мамлакатларида аҳолини электр қуввати билан таъминлашда муайян муаммолар борлиги маълум. Бунинг сабаби минтақада сув етишмаслигидир. Натижада ГЭСлар тўла қувват билан ишламайди. Баъзи республикалар ҳамкорликни йўлга қўйиб, ушбу мураккаб вазиятдан биргаликда чиқиш имкониятларини излаш ўрнига бошқача усуллардан ҳам фойдаланмоқда.

Тожикистоннинг бу борада навбатдаги зарбаси ўз халқига қаратилди. Электр қуввати ўчириб қўйиладиган ҳудудлар кенгайтирилди, вақти узайтирилди. Республиканинг энг узоқ туманларига электр қуввати бир неча кунлаб берилмайди. Бошқа туманларга эса кун давомида фақат икки соат берилмоқда. Бу одамлар ёниб турган лампочка қандайлигини эсдан чиқариб қўймасликлари учун кўрилаётган "чора-тадбир" бўлса керак.

Оқибатда аҳолининг аҳволи шу даражага етишига ким айбдор деган савол туғилмоқда. Республика ҳукумати, амалдорлар, хусусан, мамлакат энергетика ва саноат вазири Шерали Гул бу саволга қуйидагича жавоб бермоқда: "Тоғларда қор захиралари катта. Агар ҳаво ҳарорати яна 15 даража кўтарилса, қор эриши тезлашади ва республика ўз эҳтиёжлари учун етарли бўлган энергетика захираларига эга бўлади".

Бизнингча, бу фақат Тожикистон амалдорлари учун "глобал" сабаб бўлиши мумкин. Лекин одамлар XXI асрда яшамоқда. Бу каби ибтидоий қараш ва сафсата сотиш билан уларни ишонтириб бўладими? Тожикистон раҳбарларининг бу эртакнамо сўзлари бизга олов ёқиш учун чақмоқ чақилишини кутишга ўхшаб туйилмоқда.

Тожикистоннинг асосий энергетик активларини бошқараётган "Барки Тожик" компанияси, умуман, қисқа ва узоқ муддатли обҳаво прогнозларини эшитмаган шекилли. Бу тахминларга асосан компания электр қуввати захираларини тўплаши ва улардан қачон фойдаланишни режалаштириши лозим. Шу боис бугун БМТ Тараққиёт дастури Тожикистонда табиий омилни эмас, айнан инсон омилини бирламчи масала сифатида кўтармоқда.

Ушбу ҳужжат муаллифлари "Нима учун "Барки Тожик" ўтган йилнинг январь-февраль ойларида электр қувватини сотиш билан шуғулланганини, ваҳоланки, бу вақтга келиб, мамлакатда электр қувватига эҳтиёж энг юқори даражада бўлгани, сув омборидаги сув сатҳи эса энг паст белгига тушганини" таъкидламоқда. Уларнинг аниқлашича, айни танглик юз берган ўша вақтда 700 минг АҚШ долларига 36 млн. кВт. соат электр қуввати қўшни Афғонистонга етказиб берилган. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас.

Имомали Раҳмоннинг Покистонга қилган ташрифида ва "CASA-1000" лойиҳаси бўйича музокаралардан кейин тожикистонликлар орасида мамлакат аллақачон электр қувватини Покистонга сотаётгани тўғрисида миш-мишлар тарқади. Миш-мишлар ўз йўлига, лекин Покистоннинг сув ресурслари ва энергетика вазири Саид Навид Камарнинг айтишича, Покистон ҳаттоки, Роғун ГЭСи қурилмаган тақдирда ҳам электр қувватининг ортиқчасини олишни истайди. Шамол қаёққа эсаётганини сезаяпсизми? Миш-мишлар келгусида ўз тасдиғини топади.

Тожикистон электр технологияларини шундай бошқариши туфайли, аввал аҳоли талабларини қондириш, кейин эса "ортиқча" электр қувватини четга сотиш масаласи яқин вақт ичида ижобий ҳал этилмайди. "Миллий электр компанияси ҳали ҳам зодагонлар манфаатларига хизмат қилмоқда" дейилади халқаро инқироз гуруҳининг "Марказий Осиё: чириш ва қолоқлик" номли маърузасида. Тепадагиларга қарам бўлган "Барки Тожик" ҳам нима қилсин? Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 55 фоизи, яъни 30 миллион кВт. соат электр қуввати Раҳмоновлар оиласига тегишли бўлган "Тожикистон алюминий компанияси" эҳтиёжлари учун сарфланмоқда.

Айни пайтда "Барки Тожик" раҳбарияти Вахш дарёси ва Нурек сув омборида сув сатҳи аввалги йилларга нисбатан паст эканлиги тўғрисида зўр бериб чўпчак тўқимоқда. Аммо "Барки Тожик" раҳбарининг собиқ ўринбосари Геннадий Петров бу гапга қўшилмайди. Унинг айтишича, Нурек сув омборидаги сув сатҳи бу қишда ҳақиқатда одатдагидан баланд. Мутахассис сифатида у бирданига пайдо бўлган сув тақчиллиги ҳақидаги маълумотлардан таажжубда. Ҳаттоки, БМТ Тараққиёт дастури маълумотларида ҳам кўрсатилишича, бутун қиш давомида сув ҳажми олти йиллик ўртача кўрсаткичдан тахминан 15 фоиз кўп бўлган, 2011 йил март ойининг охирига келиб эса бирданига тушиб кетган.

Тожикистон фанлар академиясининг собиқ президенти, 1960 йиллардаги Нурек ГЭСи лойиҳасининг муаллифларидан бири Собит Неъматуллаевнинг қайд этишича, "Барки Тожик"нинг Вахш дарёсида сув "ниҳоятда паст даражада" эканлиги тўғрисидаги баёноти ошириб юборилган қуруқ сафсатадир. Энергетикларнинг норасмий маълумотларда келтиришларича, ҳукумат раҳбарларининг ўзи электр қувватини чет элга сотиб, айнан қиш мавсумида сув захираларини тугатиб, ҳозирги инқирознинг келиб чиқишига сабабчи бўлишган.

...Кўплар тушунмаётир. Нима учун ҳукумат ва ОАВлар энергия инқирози атрофида шунчалик шов-шув кўтаришмоқда? Ваҳоланки, бизнинг тушунишимизча, бу сунъий келтириб чиқарилган, ўйлаб топилган. Бундан кўзланган мақсад нима? Ахир араб мамлакатларидаги бугунги танглик вазиятида Раҳмон тузуми бутунжаҳон ҳамжамиятига безовта бўлиш учун асос йўқлигини кўрсатиши керак эмасми? Тожикистон ҳукумати аҳолига электр қуввати тез орада берилишини ваъда қилиш ва "Барки Тожик" компаниясини "ҳиқилдоғидан" олиш ўрнига бунинг тескарисини қилмоқда. И. Раҳмоннинг узил-кесил баёнот беришича, аҳоли яқин орада ёруғликдан баҳраманд бўлмайди.

Шу ерда пардани кўтарамиз. Саҳнада чарақлаб Раҳмон турибди, орқасида эса... Роғун ГЭСининг лойиҳаси. Ҳа, шу йўл билан у бутун жаҳонга бечора Тожикистон янги йирик ГЭС қурмасдан туролмаслигини кўрсатмоқда. У ҳар қандай йўл билан гидроэлектр станция қурилишига эришиши лозим. Унгача республика ёруғликсиз кун кўради, мамлакат бошқа ГЭСларининг электр қуввати эса четга экспорт қилинади. Бундан топилган пул эса амалдорлар чўнтагига тушади. Раҳмон тузуми ишлаб чиққан сценарий шунақа.

Бунинг исботи учун яна ўша вазир Шерали Гул сўзларига эътибор қаратамиз. У ҳукумат муқобил манбалар, хусусан, кўмир, табиий газ, қуёш қуввати ва бошқалардан фойдаланиш чораларини кўраётганини айтади. Лекин унинг сўзларига қараганда, энергия таъминоти бўйича муаммолар фақат Роғун гидроэлектр станцияси қурилиши орқали бартараф этилади (!) Бу ГЭС нафақат мамлакатни электр қуввати билан таъминлаш имкониятини беради, балки сув захираларининг ҳам катта манбаига айланади.

**Имматшо БАНДИШОЕВ.**
**centrasia.ru**

**BOLALIK BOG`I**

# USTOZINGGA RAHMAT!

Bahorda tomorqamizdagi bir sotixcha joyga makkajo`xori ekkandik. Yaxshi hosil berdi. Uch qop don oldik. Uni tegirmonda yanchib, qishda sigirimizga yem qilib berarmiz, degan maqsadda omborxonaga qo`ygandik.

Ro`zg`orchilik ekan, bir zarurat bo`lib molimizni sotishga to`g`ri kelgani sabab donga ehtiyoj bo`lmadi. Vaqt o`tib, biroz yig`inib kichikroq g`unajin oldik. Makkajo`xori donini olib tegirmonda yanchib kelish maqsadida omborxonaga kirdim. E'tibor bilan qarasam, qoplardagi donlar yarimlab qolibdi. Nima bo`lganini anglamay uydagilardan so`radim. Hech kim "miq" etmasdi, ularning yashirin nigohi bu yil birinchi sinfga o`qishga borgan nevaram Nurdonada edi.

– Kechiring buvajon, qorlar yog`ib, kunlar sovib ketdi-ku. Qushlar sovuqda och qolishdi. Chug`urlashib, yig`lashdi. Shunga.., – u aybdorona bosh egib turardi.

Jahlimdan tushib, nevaramning boshini mehr bilan siladim. Omborxonaga kirib, yarimlab qolgan qopni hovliga olib chiqdimda undan bir hovuch don olib, oppoq qor ustiga sepdim. Daraxt shoxlarida junjikib o`tirgan qushlar potirlab uchib kelishib, donni yeya boshlashdi.

Nevaramning yuzida quvonch balqdi:

– Buvajon, rahmat sizga. Qushlar bizning do`stlarimiz-a? Ustozimiz doimo shunday deydi-ku? Siz ham qushlar bilan do`stsiz-a?

– Ha, ustozing to`g`ri aytibdi, hammamiz qushlar bilan do`stmiz. Ustozingga rahmat!?

Beg`ubor pok qalbida ezgulik porlayotgan nevaramni mehr bilan bag`rimga bosdim.

**Jambul QURBONBEKOV.**

**ҲИКОЯ**

# ДУОГЎЙЛАРИМ

Мана беш йилдирки, лақабим кампиршунос бўлиб қолди. Машина ҳайдаганимга ҳам беш йил бўлаяпти. Ўзим чорвачилик фермасида ишлайман. Ҳар куни фермадан шаҳарга сут ташийман.

Бир куни идорага ўтишга эриниб машинани эшикка қўяқолдим. Эрталаб турсам, кимдир цистернага катта қилиб "сут ва кампир ташилади" деб ёзиб кетибди. Яна биров остига "Кампиршунос" деб қўшиб қўйибди. Бу ҳазилкаш ўртоқларимнинг иши бўлса керак, деб ўчириб ташладим.

Қаёқда дейсиз! Мен уйғонгунимча, эшикдан ким ўтса, ҳаммаси ўқиб ўтаверган. Шундай қилиб лақаблик ҳам бўлиб олдик. Биров, "Салом, Шербек" деса, биров "Хайр, кампиршунос" деб кулади. Ким билади, балки ростдир. Нима учундир ҳадеб бувижонларимнинг ҳожатини чиқаргим келаверади. Гапнинг очиғи, баъзида кабина бўш бўлсаям одам олмайман. Қишлоғимиз билан шаҳар ораси узоқ. Автобуслар ҳам онда-сонда юради. Йўлда бирор онахон илҳақ бўлиб тургандир, дейман ўзимча. Ўйлаганим рост бўлиб чиқади. Йўл четида тинмағур кампирларим кўринади. Қайси бири тугун кўтарган, қайси бири тоғора, патнис. Қўл силташмаса ҳам ёнларига бориб тўхтайман. Дарров инқиллаб чиқиб олишади.

Тунов куни қизиқ бўлди. Тўйтепага етай деганимда, иккитаси учради. Кабина эшигини очсам, иккаласи кираяпти.

– Холажон, қандоқ бўларкин, жой икки кишилик эдику, – дедим биттасига қараб.

– Зиёни йўқ, учаламиз сиғаверамиз, – дейди иккинчиси, – тоғангизнинг яхшиликларини кўра-кўра қошиқдай бўлиб қолдим. Менга кафтдай жой бўлса, етади.

Мелисани эслатиб кўрдим. Бўлмади. Биринчи кампир анчагина шаддодроқ экан, баланддан келди.

Иложим қолмади. Қарасам, икковиям тиззаларига тугунларини қўйиб, бемалол ўтирибди. Йўлга тушдик. Айтганимдай, марказга етай деганимизда, автоинспектор тўхтатди. Уни кўриб, кампирларим бошларини букиб олишди. Кулиб юбордим.

Инспектор тушунган йигит экан, оғзаки танбеҳ бериб, қўйиб юборди. Қайтиб келсам, кампирларим шивирлаб сўрашди:

– Нима дейди, ишқилиб ёмон гапирмадими?

– Йўқ, бундан кейин иккиталаб одам олманг, деди.

– Ана, айтмадимми, Гулжамол, мелисанинг ҳам инсофлиси кўп бўлади деб. Барака топсин!

Туриб-туриб кампирларга қойил қоламан. Бултурмиди, узоқ йилмиди, ишқилиб кузак эди. Ёмғир эзиб ёғиб ётибди. Ғира-шира қоронғи. Оққўрғоннинг бурилишидан қайтишим билан бир кампир тўхтатди. Сакраб тушиб юкларини кўтара бошладим. Ҳорманг, хола, йўл бўлсин, десам, холанг ўлсин, шундай ҳавода йўл босгунча кўл боссин холагинангни, дейди. Қарасам, ҳамма гапини ҳалигидақа, шоирлар айтгандай, қофиялаб гапиряпти.

– Бир ўртоғим бор. Кундуз деган. Кундуз деса кундуздек. Қизлигида отлиқ йигитлар кулиб, туяликлар букилиб салом бергувчи эди. Ана шу ўртоғим наварасига имин-имин қилаётган экан. Одам юборибди. Дод. Офтобхон келмаса, имин-имин базм қизимайди, дебди. Мана, сайил ҳам сайил – саргардон ҳам сайил, деб бораяпман-да, холанг ўргилсин.

Кейин ҳамма кампирларим сингари "тергов"га ўтди.

– Болам, бинойидеккина йигит кўринасан, неччига кирдинг?

– Йигирма бешга, хола, – дедим. У бошини чайқаб ўгит қила кетди:

– Йигитлик ёшидир асли йигирма, эсинг бўлса зинҳор ўттизга кирма!

– Хўп, холажон, кирмайман ўттизга, оёғимни тираб туриб оламан, – деб кулдим. У эса терговини давом эттирди.

– Ота-онанг ҳам, худога шукр, бақувватгинадир-а?

– Онамни уч йил олдин тупроққа...

Гапимни тугатмасимдан "оҳ" деди-ю, бошини яна сарак-сарак қилишга тушди:

– О-о, бебақо дунё, бевафо дунё! Бировдан ватан аямайсан, бировдан кафан! Во дариғ. Ишқилиб, ўғлим, мана бош фарзандман дединг, худойим отагинангга тавфиқ берсин. Эркакнинг бели боғлиқ, кўнгли чоғлиқ бўлади. Худо кўрсатмасин, уйингга бир сигирмижоз келиб қолса борми, тирик етим бўлганинг ана шунда билинади. – У дарров хаста, йиғлоқи оҳангда хиргойи қила кетди:

*Ой ёнида бир юлдуз*
*ойга пана,*
*Ман ўлсам йиғлармикан*
*ўгай она-а?*
*Йиғласа ўгай она ўз*
*бошига,*
*Қўш тегирмон юргизай*
*кўз ёшига-а.*

Эй худо, ишқилиб бадбахт ўгай онадан асрагин-а, деб тилагин, холагинанг бўйларингга қоқиндиқ!

Офтоб хола бир қишлоқ гузарига етай деганда тушиб қолди. Анча ергача ўйланиб бордим. Ростини айтсам, шунча йил бадалига ҳалиги онахон айтган гапларни ўйлаб кўрмаган эканман.

Эртасига яна сут топширгани шаҳарга бордим. Кабинада навбат кутиб ўтирсам, олдимга жиккаккина бир кампир келди.

– Болам, мошинанг қаёққа юради? – деди тортинибгина.

– Қаёққа бурсангиз кетаверади, – дедим кулиб. Кампир дадилланди:

– Гулистонгача борсанг туша кетайми дегандим-да.

Йўл-йўлакай эрмаклашиб кетдик. Ўғлиникидан келаётган экан. Тойчоқдеккина неваралари бор эмиш. Ўғли эсҳушли, юмшоқсупургидек эмиш. Келини ҳақида индамади. Шунинг учун атайлаб сўрадим:

– Келин қалай, хола, келин?

– Келин зоти, ман санга айтсам, қовоқ арига ўхшайди. Арининг уясини кавламасанг, чақмайди. Келиннинг тилини қичитмасанг, тегмайди. Энди бурунгилардан қолган гап бор. "Қум-қум келин, чим-чим қиз" дейдилар. Шуниям эшитиб қўй. Дунёда менга ўхшаган бир кампир бор экан. Унинг сенга ўхшаган ёлғиз ўғли бор экан. Кампир шўрлик бошини баркаш, қўлини обкаш қилиб ўғлини уйлабди, қизини чиқарибди. Энди она нима қилади? Бир куни ўғлиникига боради. Бир куни қизиникига. Тўғрими, тўғри. Борса, келини қайнонасининг косасига қасддан қум солиб қўярмиш. Она шўрлик нима қилади? Ўлганининг кунидан овқатни ичади. Ичмаса, келини ўғлига захрини сочади. Она-да... Ке, қўй, ўғлим билан келинимнинг ораси бузилмасин, деб овқатга қўшиб қумниям ютаверади. Хўш, қизиникига борса-чи? Қизи нуқул онасининг пинжига кириб олиб, кўп овқат еманг, куёвингиз қайнонам баднафс экан, деб ўйламасин, деб биқинидан чимчилаб ўтирармиш. Шунинг учун ҳам машойихлар билиб айтган. Қум-қум келин, чим-чим қиз деб. Энди тушундингми, болам?

– Ҳа, тушундим, холажон, тушундим.

– Тушунган бўлсанг, ҳув анави теракни кўрдингми, ана ўшанинг ёнида тўхтат мошинингни.

Кампир тикка турганча, қўлларини очиб узундан-узоқ дуо қила бошлади. Ортимда машиналар қаторлашиб кетди. Тинмай дудутлашади. Дуо тамом бўлай демайди. Ниҳоят, онахон менга сувдан сулув қаллиқ тилаб жўнади.

Умуман, кампирларим менга бағишлаётган дуоларнинг тўқсон фоизи қалликқа тўғри келади.

Бир куни Бекободдан келаётувдим. Ёнимда ҳар галгидай доимий ҳамроҳим.

– Ишқилиб, бола-чақангнинг роҳатини кўргин, ўғлим, мушкулимни осон қилдингда, – деб қолди йўлга чиқишимиз билан.

– Ҳали келинингизнинг ўзи йўқ, холажан, – деб кулдим.

– Оҳ-оҳ-оҳ, холанг сўзларингдан ўргилсин, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ғунча экансан-ку! Қани энди пишиб турган қизим бўлса-ю, сенга икки қўллаб тутқазсам. Куёвинг борми – бор, деб болаларингни боқи-иб ўтирсам, – дейди.

– Нима, қиз масаласи чатоқроқми сизда ? – деб гап қўшдим.

– Чатоғи нимаси, болам, сираям бечатоқ. Раҳматлик қайнонам ҳам қарғагани қарғаган эди. Сен ичингга нуқул қиз қамагансан, ўғилга қисирсан, дегувчи эди. Йўқ, худо бераман деса ҳеч гап эмас экан. Беш қиз, икки ўғил кўрдим. Икки қизим нобуд бўлди. Ўғлимдан ҳам айрилдим. Мана энди қолганларининг умрини берсин деб ўтирибман. Ҳа, майли, хафа бўлма, болам. Бир қиз набирам бор, шуни сенга олиб бераман. Ўзи дўхтирликка ўқийди. Лекин қизмисан – қирмизмисан. Бирикки йил тишингни тишингга қўйиб чидасанг бўлди, тўйни бошлаб юбораман.

Тағин совчиларингиз кампирлар экан, деб кўнглингизга келмасин. Асосий гапни ҳали айтганимча йўқ. Қулоғингизга айтсам шуки, қишлоғимизда бир қиз бор. Исми Моҳирўй. Гоҳо-гоҳо кўз уриштириб турамиз. Бир куни:

*Моҳирўй, қилиқларинг*
*қил ёради,*
*Сўзларингни шарбати*
*тил ёради.*
*Қошларинг пошшо*
*бўлиб юрт сўраса,*
*Кипригинг жаллод бўлиб*
*жон олади!*

– деб кампирларимдан эшитган бир қўшиқни айтувдим, балога қолдим.

– Ҳо-о! Боринг ўша кампирларингизга! Кўплашиб ҳаракат қилишса, битта қиз ...туғиб беришар, – деди-ю, тескари қараб кетди.

Воажаб, дедим ўзимча, қизнинг қиздан рашк қилиши бор. Лекин йигитни кампирдан ҳам қизғанишадими? Қиз бола дейман, шундай нозикки, чертсанг узилади қолади-я.

Моҳирўй шу кўйи қачон мени кўрса, йўлини тескари соладиган қилиқ чиқарди. Индамай юравердим. Йўқ, ҳозир хийла тузук. Дўкондами, кўчадами, тўқнашиб қолсак, лов-лов қизаради-ю, секингина, ширингина қилиб "Яхши юрибсизми, Шербек ака?" дейди. Юрагим дукдук уриб кетади.

Ана шунақа гаплар, биродар. Энди бизга рухсат. Сиз шу ерда тушиб, ҳув кўчадан ўнгга бурилсангиз, тўғри мактабдан чиқасиз. Мен эса фермага қараб кетдим. Кампирхонларим илҳақ бўлиб ўтиришгандир. Ола кетай. Ҳам қизиқ ҳангомалар эшитаман, ҳам дуо оламан. Хўп, хайр, омон бўлинг, ака.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Равшан ОМОНОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-142. Адади 15073. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 12345